

ИЖТИМОЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

8 ЖИЛД, 3 СОН

ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ 8, НОМЕР 3

JOURNAL OF SOCIAL STUDIES

VOLUME 8, ISSUE 3



ИЖТИМОЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF SOCIAL STUDIES

№3 (2025) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9556-2025-3>

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:
Сеитов Азамат Пулатович
доктор социологических наук
(Doctor of sociology, DSc)

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:
Сабилова Умида Фархадовна
доктор социологических наук
(Doctor of sociology, DSc)

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD:

22.00.01-Социология назарияси, методологияси ва тарихи. Социологик тадқиқотлар усуллари.
Теория, методология и история социологии. Методы социологических исследований.
Theory, methodology and history of sociology. Methods of sociological research.

Бекмурадов Мансур Бобомурадович
доктор социологических наук, профессор (Узбекистан)
Каланов Комил Куллахматович
кандидат социологических наук, профессор (Узбекистан)
Убайдуллаева Раиса Турсуновна
доктор социологических наук, доцент (Узбекистан)
Негматова Шахзода Шухратовна
доктор философских наук, профессор (Узбекистан)
Шайылдаева Асель Кокоевна
кандидат социологических наук (Кыргызстан)

Исмаилов Алишер Агзамович
доктор экономических наук, (Узбекистан)
Щепилова Галина Германовна
доктор философских наук, профессор (Россия)
Рожанский Михаил Яковлевич
кандидат философских наук (Россия)
Маматов Нормурат
доктор философских наук, профессор (Узбекистан)
Бурнашев Рустам Ренатович
кандидат философских наук, профессор (Казахстан)

22.00.02-Ижтимоий тузилиш, ижтимоий институтлар ва турмуш тарзи
Социальные структуры, социальные институты и образ жизни
Social structures, social institutions and way of life

Умаров Абсалом Адилевич
доктор социологических наук, профессор (Узбекистан)
Холбеков Абдуғани Жуманазарович
доктор социологических наук, профессор (Узбекистан)
Шайхисламов Рафаэль Бадретдинович
доктор социологических наук, профессор (Россия)
Акулич Мария Михайловна
доктор социологических наук, профессор (Россия)

Антонио Алонсо Марсос
доктор политических наук, профессор (Испания)
Фадеева Любовь Александровна
доктор социологических наук, профессор (Россия)
Виктор Агаджаньян
доктор философии по социологическим наукам,
профессор (США)
Абдулазизов Абдулвоҳид Хабибуллоевич
кандидат социологических наук, доцент (Узбекистан)

22.00.03-Ижтимоий онг ва ижтимоий жараёнлар социологияси.
Социология социального сознания и социального процесса.
Sociology of social consciousness and social process

Аликариев Нуритдин Сапаркариевич
доктор экономических наук, профессор (Узбекистан)
Матибаев Тасполат Балтабаевич
доктор социологических наук, профессор (Узбекистан)
Николов Стефан
доктор философии по социологическим наукам, (Болгария)

Мирзахмедов Абдирашид Мамасидикович
доктор философских наук, профессор (Узбекистан)
Ли Ци
доктор исторических наук, профессор (Китай)
Сухомлинова Марина Валерьяновна
доктор социологических наук, профессор (Россия)

www.tadqiqot.uz решаёт задачи, предусмотренные Стратегией Узбекистана 2030, направленные на развитие науки за счёт внедрения достижений научных исследований учёных и служащих их признанию в международном научном сообществе. Так, каждой статье, опубликованной в журнале, присваивается номер DOI (Crossref). Журналы включены в международные индексные базы данных. Входит в список журналов ВАК Узбекистана.

22.00.01-Социология назарияси, методологияси ва тарихи. Социологик тадқиқотлар усуллари.
Теория, методология и история социологии. Методы социологических исследований.
Theory, methodology and history of sociology. Methods of sociological research.

Пармонов Фарход Ярашевич
доктор социологических наук, доцент (Узбекистан)
Жусубалиев Абдикайым Рысбаевич
кандидат социологических наук, доцент (Кыргызстан)
Алимухамедова Нодира Ядгаровна
доктор философии по философским наукам (Узбекистан)

Камалова Хатира Сабыровна
кандидат социологических наук, доцент (Узбекистан)
Тагиева Гулсум Гафуровна
доктор философии по социологическим наукам (Узбекистан)
Ахмедова Феруза Медетовна
доктор философии по социологическим наукам (PhD)
(Узбекистан)

22.00.02-Ижтимоий тузилиш, ижтимоий институтлар ва турмуш тарзи
Социальные структуры, социальные институты и образ жизни
Social structures, social institutions and way of life

Аликариева Аълохон Нуриддиновна
доктор социологических наук, доцент (Узбекистан)
Зайтов Элёр Холмаматович
доктор философии по социологическим наукам,
доцент (Узбекистан)
Уразалиева Гулшода Бекпұлатовна
кандидат социологических наук, доцент (Узбекистан)

Мирзахмедов Хуршид Абдирашидович
доктор философии по социологическим наукам,
доцент (Узбекистан)
Қаюмов Қахрамон Нозимжонович
доктор философии по социологическим наукам (Узбекистан)

22.00.03-Ижтимоий онг ва ижтимоий жараёнлар социологияси.
Социология социального сознания и социального процесса.
Sociology of social consciousness and social process

Сеитова Зухрагон Пиржановна
доктор социологических наук, доцент (Узбекистан)
Махкамов Қодиржон Одилжонович
доктор философии по социологическим наукам,
доцент (Узбекистан)
Доспанова Дилара Уракбаевна
кандидат социологических наук, доцент (Узбекистан)

Каримов Бобир Шаропович
доктор социологических наук, доцент (Узбекистан)
Якубов Ильдар Харрасович
кандидат политических наук, доцент (Узбекистан)
Абдухалилов Абдулло Абдухамитович
доктор философии по социологическим наукам,
доцент (Узбекистан)

Page Maker | Верстка | Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

МАҚОЛАДА КЕЛТИРИЛГАН ДАЛИЛЛАРНИНГ ТЎҒРИЛИГИ УЧУН МУАЛЛИФ МАСЪУЛДИР | АВТОР НЕСЕТ ОТВЕТСТВЕННОСТЬ ЗА ДОСТОВЕРНОСТЬ ФАКТОВ ИЗЛОЖЕННЫХ В СТАТЬЕ

1. Mo‘minov Zokirjon

TASHQI MIGRATSIYA JARAYONLARIDA IJTIMOY MOBILIKNI RIVOJLANISH XUSUSIYATLARI.....5

2. Qosimov Vohid

KORRUPSIYAGA QARSHI KURASHDA “KOMPLAENS-NAZORAT” TIZIMI ROLINI OSHIRISHGA OID TADQIQOTLARNING NAZARIY, IJTIMOY VA HUQUQIY ASOSLARI.....12

3. Mannanova Nilufar

DAVLAT FUQAROLIK XIZMATCHILARI FAOLIYATIDA MILLIY-MENTAL XUSUSIYATLARNI E’TIBORGA OLISHNING AYRIM JIHATLARI.....19

4. Kulbekova Nasiba

TA’LIM TRANSFORMATSIYASI: INNOVATSION TEXNOLOGIYALAR, YANGI PEDAGOGIK VA PSIXOLOGIK YONDASHUVLAR HAMDA IQTISODIYOT SOHALARINING STRATEGIK RIVOJLANISH VAZIFALARI VA USTUVOR YO’NALISHLARI.....26

5. Abduvaliev Fatxulla

YUQORI SINIF O’QUVCHILARI O’RTASIDA TA’LIM MIGRATSIYASI TOMON IJTIMOY HARAKATLANISH SABABLARI TAHLILI.....33

6. Akramov Xusan

RATSIONAL TAFAKKUR: ISLOMIY AN’ANA VA SOTSIOLOGIK NAZARIYALAR KONTEKSTIDA TAHLIL.....46

7. Муллағалиева Фануза, Румянцева Екатерина

ОПЫТ ЖЕНЩИН В НАУКЕ УЗБЕКИСТАНА.....52

8. Mingbayeva Nozimaxon

JAMOATCHILIK FIKRINING FUQAROLIK JAMIYATI INSTITUTLARI FAOLIYATINI TAKOMILLASHTIRISHDAGI IMKONIYATLARI.....59

9. Бозорова Ўлмасхон

БОШҚАРУВДА ЁШ РАЎБАРЛАР ИЖТИМОЙ КАПИТАЛИНИНГ АҲАМИЯТИ.....66

10. Mannanova Nilufar

DAVLAT FUQAROLIK XIZMATCHILARI KO’NIKMALARINI BAHOLASHDA DREYFUS MODELIDAN FOYDALANISH.....73

11. Tangirova Mavjuda

AYOLLAR MEHNAT MIGRATSIYASINING ASOSIY OQIMLARI VA ZAMONAVIY YO’NALISHLARI.....80

12. Mirsoliyeva Nargiza

YAPON CHOY MAROSIMINING IJTIMOY-FALSAFIY AHAMIYATI.....88

ИЖТИМОЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF SOCIAL STUDIES

Бозорова Ўлмасхон,

О‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi

Davlat siyosati va boshqaruvi akademiyasi,

“Boshqaruv sotsiologiyasi va psixologiyasi kafedrası” tayanch doktoranti

email: u.bozorova@dba.uz

БОШҚАРУВДА ЁШ РАХБАРЛАР ИЖТИМОЙ КАПИТАЛИНИНГ АҲАМИЯТИ

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.17048618>

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада замонавий бошқарув жараёнларида ёш раҳбарларнинг ижтимоий капитали қандай аҳамият касб этиши таҳлил қилинади. Ижтимоий капитал тушунчаси П. Бурдьё, Ж. Коулман ва Р. Патнам каби нуфузли олимлар томонидан назарий жиҳатдан ёритилган бўлиб, мақолада ушбу қарашлар асосида ёш раҳбарларнинг ижтимоий тармоқлари, ишонч муҳити, ҳамкорлик қобилияти ва ресурсларга эга бўлиш даражаси орқали бошқарув самарадорлигига қандай таъсир кўрсатаётгани кўриб чиқилади. Шундай хулосага келинадик, ёш раҳбарларда ижтимоий капиталининг юқори бўлиши ташкилот ичидаги муносабатлар, инновацион ёндашув ва қарор қабул қилиш сифатини яхшилашда муҳим омил бўлади. Мақола таҳлиллари асосида амалиётда ёш раҳбарларнинг ижтимоий капиталини ривожлантириш бўйича тавсиялар ҳам берилган.

Калит сўзлар: ёш раҳбарлар, бошқарув самарадорлиги, ижтимоий капитал, етакчилик, мулоқот, жамоавий иш, ҳамкорлик, ишонч.

Бозорова Улмасхон,

Базовый докторант Академия государственной политики и управления

при Президенте Республики Узбекистан,

Кафедра Социологии и психологии управления

email: u.bozorova@dba.uz

ЗНАЧЕНИЕ СОЦИАЛЬНОГО КАПИТАЛА МОЛОДЫХ РУКОВОДИТЕЛЕЙ В УПРАВЛЕНИИ

АННОТАЦИЯ

В данной статье анализируется роль социального капитала молодых руководителей в современных процессах управления. Понятие социального капитала было теоретически освещено такими авторитетными учеными, как П. Бурдьё, Дж. Коулман и Р. Патнем, и в статье рассматривается, как эти взгляды влияют на эффективность управления через социальные сети молодых руководителей, атмосферу доверия, способность к сотрудничеству и доступ к ресурсам. Сделан вывод о том, что высокий социальный капитал у молодых руководителей является важным фактором улучшения внутриорганизационных отношений,

инновационного подхода и качества принятия решений. На основе анализа статьи даны рекомендации по развитию социального капитала молодых руководителей на практике.

Ключевые слова: молодые руководители, эффективность управления, социальный капитал, лидерство, общение, коллективная работа, сотрудничество, доверие.

Bozorova Ulmaskhon,
Basic doctoral student of the Academy
of Public Policy and Management under the President
of the Republic of Uzbekistan,
Department of Sociology and Psychology of Management
email: u.bozorova@dba.uz

THE IMPORTANCE OF SOCIAL CAPITAL OF YOUNG LEADERS IN MANAGEMENT

ABSTRACT

This article analyzes the role of young leaders' social capital in modern management processes. The concept of social capital has been theoretically illuminated by authoritative scholars such as P. Bourdieu, J. Coleman, and R. Patnam, and the article examines how these views influence the effectiveness of management through the social networks of young leaders, the atmosphere of trust, the ability to cooperate, and access to resources. It was concluded that a high level of social capital in young managers is an important factor in improving intra-organizational relationships, an innovative approach, and the quality of decision-making. Based on the analysis of the article, recommendations are given on the development of the social capital of young managers in practice.

Keywords: young leaders, management effectiveness, social capital, leadership, communication, collective work, cooperation, trust.

КИРИШ

Бугунги глобаллашув ва рақобатбардошлик шароитида давлат ва хусусий секторларда бошқарув самарадорлигини таъминлашда ёш раҳбарлар муҳим рол ўйнайди. Умуман ёш кадрлар ўзининг энергияси, янги ғоялари ва инновацион ёндашувлари билан тизимнинг барқарорлиги ва ривожланишига ҳисса қўшади. Ёш авлод ҳар доим жамият тараққиётининг фаол иштирокчиси ва ижтимоий қатлам сифатида эътироф этилган. Айниқса, Шарқ уйғониш даврида, жадидлар ҳаракати жараёнида ва жамиятнинг замонавий шаклланиш босқичларида уларнинг тутган ўрни ниҳоятда муҳим бўлган. Ёш раҳбарларнинг ижтимоий капитали – яъни уларнинг шахсий ва касбий тармоқлари, жамоатчилик билан муносабатлари самараси, ижтимоий ишонч ва шерикчилик даражаси- давлат бошқарувида инновацион ёндашувларни жорий этиш ва халқ билан мулоқотни кучайтиришда муҳим омил ҳисобланади. Зеро, раҳбарнинг шахсий салоҳиятидан ташқари, унинг ижтимоий тўри, мулоқот маданияти ва таъсир доираси ҳам бошқарув натижаларига бевосита таъсир кўрсатади. Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар, хусусан, "Ёшлар келажагимиз", "Ёшлар парламенти", "Ёш раҳбарлар резерви" каби дастурлар ёш авлодни раҳбарликка тайёрлаш, уларнинг ижтимоий капиталини бойитишга қаратилган. Шу нуқтаи назардан, ушбу мақолада ёш раҳбарларнинг ижтимоий капитали мазмуни, унинг бошқарув самарадорлигига таъсири ва мазкур жараёни такомиллаштириш имкониятлари илмий таҳлил қилинади. Шу билан бирга, уларнинг ижтимоий капиталга эга бўлиши, яъни ишонч, ҳамкорлик ва тармоқлар тизими, бошқарув самарадорлигида ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Ижтимоий капитал тушунчаси авваламбор социология ва иқтисодиёт фанларида тадқиқ этилган бўлиб, охириги йилларда бошқарув соҳасида ҳам кенг қўлланилмоқда. Ижтимоий капитал бошқарув жараёнларидаги самарадорликка таъсир этувчи муҳим ресурслардан бири сифатида қаралади. Ёш раҳбарлар ижтимоий капитални тўғри шакллантириш орқали жамоада ишонч муҳитини яратиш, муваффақиятли ҳамкорликни ташкил қилиш ва бошқарув қарорларининг самарадорлигини ошириш имконига эга.

1. Ижтимоий капитал тушунчаси ва унинг бошқарувдаги ўрни:

Ижтимоий капитал жамоа аъзолари ўртасидаги ишонч, ижтимоий тармоқлар ва ҳамкорлик нормаларининг йигиндиси бўлиб, инсонлар ва ташкилотлар ўртасидаги алоқалар сифатида тасаввур қилинади. П. Бурдьё, Р. Патнам ва Ж. Коулман каби олимлар ижтимоий капиталнинг турли жиҳатларини илмий жиҳатдан таҳлил қилишган.

Бошқарувда ижтимоий капитал фуқаролар, раҳбарлар ва ҳамкасблар ўртасида ишонч ва ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлайди. Бу эса қарорларнинг сифатини оширади, фаол иштирокни рағбатлантиради ва институционал барқарорликни таъминлайди.

2. Ёш раҳбарларнинг ижтимоий капиталга таъсири

Ёш раҳбарлар ижтимоий капиталнинг барқарорлиги ва ривожланишида муҳим рол ўйнайди. Улар кўпроқ инновацион ёндашувларни қўллайди, жамоавий ишончни мустаҳкамлайди ва ҳамкорликни фаоллаштиради. Ёш раҳбарларнинг шахсий хусусиятлари очиклик, мулоқотчанлик ва ташаббускорлик ижтимоий тармоқларни кенгайтиришга хизмат қилади.

Бундан ташқари, ёш раҳбарлар кўпинча ахборот технологиялари ва ижтимоий тармоқлардан фаол фойдаланиб, муваффақиятли бошқарувни таъминлайди ва давлат хизматларининг шаффофлигини оширади.

Хорижий олимлар томонидан амалга оширилган тадқиқотларда ёшларга қаратилган давлат сиёсати, мазкур соҳада олиб борилаётган ислохотларнинг мазмуни ва уларнинг натижадорлигига таъсир этувчи омиллар атрофича ўрганилган. Хусусан, Ҳ.Э. Эрик, Д.Н. Бахрах, Б.М. Лазаров, Ю.М. Буравлёв, В.М. Манохин, Н.Ш. Саид-Ғазиева, Андий Фурлонг, Итжек Галнур, Женнифер Осер, М. Козлов, А.Палу, Л.Ролланд, Ҳ.Виллиамсон ва М.Кастеллс каби олимлар томонидан инсон ривожланиш психологияси, ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги, ёшларнинг жамиятдаги ўрни ва етакчилик қобилияти, ёшлар маданияти, таълим ва социализация масаласи, шунингдек ёшлар иши ва ёшлар билан ижтимоий ишлаш, ёшлар ва рақамли даврдаги ижтимоий ўзаро алоқалар масалари кенг ўрганилган.

Ўзбекистонлик тадқиқотчи олимларимиздан: А. Саидов, сиёсий фанлар доктори, профессор- А.Т. Жалилов, фалсафа фанлари доктори, профессор – А.С. Бегматов, социология фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент – М.Қ. Ғаффорова, шунингдек, Б.Б. Алимов, О.Т. Хусанов, Р.Р. Ҳақимов, А.А. Азизхўжаев ва бошқалар ёшларнинг жамиятдаги ижтимоий мавқеи, лидерлик қобилияти, таълим ва сиёсий жараёнлардаги иштироки каби масалаларни илмий жиҳатдан ўрганиб, уларнинг ижтимоий ва институционал ривожланишига эътибор қаратганлар.

Шунингдек, UNDP, UNICEF, OECD, Европа Кенгаши каби халқаро ташкилотлар томонидан Ўзбекистонда ёшлар сиёсати, уларнинг ижтимоий фаоллиги ва лидерлик салоҳиятига бағишланган таҳлилий ҳисоботлар нашр этилган. Албатта бу статистикалар мамлакатимизда ёшлар сиёсатига қай даражада эътибор қаратилаётганинг намунасидир.

3. Ижтимоий капиталнинг бошқарув самарадорлигига таъсири

Ижтимоий капиталнинг юқори даражаси бошқарув жараёнларида ишонч муҳитини яратишга ёрдам беради. Бу, ўз навбатида, қарорлар қабул қилиш тезлиги ва сифатини оширади, ресурслардан самарали фойдаланишни таъминлайди.

Ёш раҳбарлар орқали шаклланган ижтимоий тармоқлар фуқароларнинг давлат бошқарувидаги иштироки ва фаоллигини оширишга ёрдам беради.

Ижтимоий капитал ишончсизлик, коррупция ва бюрократия каби муаммоларни камайтиришга хизмат қилади, бу эса бошқарувнинг умумий самарадорлигини оширади.

4. Ёш раҳбарлар ижтимоий капитални ривожлантиришдаги асосий механизмлар

Ёш раҳбарлар ижтимоий капитални қуйидаги усуллар орқали ривожлантиради:

- ✚ жамоада очик мулоқот ва ахборот алмашишни таъминлаш;
- ✚ фуқаролик жамияти ва ННТлар билан самарали ҳамкорлик;
- ✚ маҳаллий жамоалар ва бошқа ижтимоий гуруҳлар билан тармоқларни мустаҳкамлаш
- ✚ инновацион ва рақамли технологиялардан фойдаланиш,

✚ жамоада ишончни ошириш ва баҳсли масалаларда мувофиқатга эришиш.

Ёш раҳбарлар ижтимоий капитални ривожлантиришдаги фаоллиги бошқарув самарадорлигига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади. Улар жамоани бирлаштириш, ишонч муҳитини яратиш ва мулоқотни самарали ташкил этиш орқали бошқарувнинг қонунийлиги ва самарадорлигини оширади.

Айни пайтда Ўзбекистондаги меҳнат салоҳиятининг катта қисми ёш авлод вакилларида иборатдир. Бу эса давлат сиёсатининг ёшларнинг жамиятда эркин ижтимоий маъна эгаллаши, ўз иқтисодини тўлиқ рўёғга чиқариши учун қулай имконият ва шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган тизимли чота-тадбирларни янада ривожлантириш заруратини оширмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 18 январдаги “Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини 2025 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ги 23-сон қарори ҳам айнан ёшлар манфаати ва уларнинг ижтимоий, иқтисодий ва маънан етук ва баркамол авлод бўлишлари учун қабул қилингандир. Маскур концепсия ишлаб чиқилишида 50 дан ортиқ мамлакатларнинг ёшлар сиёсатига оид қонун ҳужжатлари, 20 дан ортиқ ёшлар минтақавий бирлашмаларининг битим ва ҳужжатлари (Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Европа Иттифоқи, Ислом Ҳамкорлик Ташкилоти ва бошқалар), 30 дан ортиқ халқаро ташкилотларнинг умумий норматив-ҳужжатлари (Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Халқаро Меҳнат Ташкилоти, Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти, Парламентлараро кенгаш ва бошқалар) ўрганилиб, таҳлил қилинган бўлиб, концепция барча вазирлик ва идоралар, маҳаллий ҳокимлик органлари ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва ёшларнинг яқин ҳамкорлигида амалга оширилади.

Айнан концепциянинг қуйидаги бандлари ёш кадрларни шакллантиришда асос бўлиб хизмат қилади:

- а) ёшларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган ҳуқуқий базани такомиллаштириш;
- б) таълимнинг барча босқичларида ёшларнинг сифатли таълим олишини таъминлаш, ҳудудларда инклюзив таълим ривожланиши учун шарт-шароит яратиш;
- с) ёшларни она Ватанга, оилага, мустақиллик ғояларига муҳаббат ва садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш;
- д) ёшларга муносиб меҳнат шароитларини яратиш, уларнинг иқтисодий имкониятларини кенгайтириш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш;
- е) ёш салоҳиятли кадрларни қўллаб-қувватлаш ва уларни давлат фуқаролик хизматига тайёрлаш, меҳнат бозорида рақобатбардошлигини таъминлаш;
- ф) ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, ёшлар жамоат ташкилотлари ва волонтерлик ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш;
- г) ёшлар сиёсати соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш.

Ҳозирги кунда давлат идораларида ёш раҳбарларнинг ижтимоий капитални шакллантириш ва ривожлантиришга бўлган интилишлари мамлакатнинг барқарор тараққиётига ва бошқарув сифатининг ошишига хизмат қилади

Аслида бошқарув самарадорлигини оширишда раҳбарнинг ўзида ҳам ижтимоий капитал бўлиши керак. Ижтимоий капиталга эга бўлган раҳбарнинг сифатлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

- раҳбар ишончли бўлиши керак, чунки ишонч ижтимоий капиталнинг асосий элементларидан биридир. Одамлар ўзаро ишончни ҳис қилганда, ҳамкорлик ва жамоавий иш янада самарали бўлади;

- раҳбар кучли ижтимоий алоқаларни ўрнатиш ва сақлаш қобилиятига эга бўлиши зарур. Бу, нафақат ички жамоа, балки ташқи манфаатдор томонлар билан ҳам алоқаларни ривожлантиришни англатади.

Раҳбар бошқалар ҳис-туйғуларини тушуниши ва уларга эмпатия кўрсатиши муҳимдир. Бу, жамоанинг руҳиятини яхшилашга ва муаммоларни тезда ҳал қилишга ёрдам беради. Очик

ва шаффоф бошқарув услуги ижтимоий капитални оширади. Раҳбар ўз қарорларини ва жараёнларини очиқ қилиб, жамоани жалб қилиш имкониятини яратади. Раҳбар ҳамкорликка тайёр бўлиши ва жамоани бир мақсад сари йўналтира олиш қобилиятига эга бўлиши керак. Бу, жамоа ичида ҳамкорлик ва биргаликда ишлашни рағбатлантиради. Ўзгарувчан шароитларга мослашувчанлик ижтимоий капитални сақлашда муҳимдир. Раҳбар янги ғояларни қабул қилишга тайёр бўлиши билан бир қаторда яхши тингловчи бўлиши лозим. Одамлар ўз фикрларини ифода этиш имкониятига эга бўлганда, улар ўзларини қадрланган ҳис қилади. Раҳбар жамоани рағбатлантириш ва мотивация бериш қобилиятига эга бўлиши керак. Бу, жамоанинг самарадорлигини оширишга ёрдам беради. Раҳбар тез ва самарали қарорлар қабул қилиш қобилиятига эга бўлиши керак. Бу, ижтимоий алоқалар ва ресурсларни оптималлаштиришда муҳимдир.

Ижтимоий капиталнинг бошқарув самарадорлигидаги тузулмавий таҳлили бир неча асосий жиҳатларни ўз ичига олади. Ушбу таҳлил ижтимоий капиталнинг ташкилотлар ва жамиятлар ичида қандай ишлашини ва унинг бошқарув жараёнларига таъсирини ўрганишга қаратилган.

Тармоқ тузилиши: Ижтимоий алоқалар ва тармоқлар қандай ташкил этилганлигини ўрганиш. **Алоқалар зичлиги:** Тармоқ ичидаги алоқалар қанчалик кучли ва самарали эканлигини баҳолаш.

Ишонч даражаси: Ташкилот ичидаги ва ташқарисидаги ишончни ўлчаш.

Ҳамкорлик имкониятлари: Ижтимоий капитал орқали қандай ҳамкорликлар ўрнатилиши мумкинлигини аниқлаш.

Ресурслар алмашинуви: Ижтимоий капитал орқали ресурсларни қандай алмашиш мумкинлигини таҳлил қилиш.

Ресурсларнинг мавжудлиги: Ижтимоий капиталнинг ташкилотга тақдим этадиган ресурслари ва имкониятларини баҳолаш.

Маданиятнинг таъсири: Ташкилот маданияти ижтимоий капиталга қандай таъсир қилиши ва аксинча.

Натижаларни баҳолаш: Ижтимоий капиталнинг бошқарув самарадорлигига таъсирини ўлчовлар орқали баҳолаш.

Ўзгаришлар таҳлили: Ижтимоий капиталнинг вақт ўтиши билан бошқарув самарадорлигида қандай ўзгаришларга олиб келишини аниқлаш.

Инновацион жараёнлар: Ижтимоий капитал инновацияларни қандай қўллаб-қувватлайди ёки тўсқинлик қилади.

Янги ғоялар ва ечимлар: Ижтимоий алоқалар орқали янги ғоялар ва ечимларни қандай ишлаб чиқиш мумкинлигини таҳлил қилиш.

Стратегик режалаштириш: Ижтимоий капитални ҳисобга олган ҳолда стратегияларни ишлаб чиқиш.

Сиёсатларнинг самарадорлиги: Ижтимоий капиталнинг бошқарув сиёсатларидаги ролини баҳолаш. Ушбу жиҳатлар ижтимоий капиталнинг бошқарув самарадорлигига таъсирини чуқурроқ тушунишга ёрдам беради ва ташкилотлар ёки жамиятлар учун стратегик қарорлар қабул қилишда муҳим аҳамиятга эга.

Бугунги кунда ижтимоий капиталнинг ўрни жуда муҳимдир ва унинг аҳамияти бир неча жиҳатдан намоён бўлади. Хусусан, одамлар ўртасидаги ишонч, ҳамкорлик ва алоқаларни кучайтириб жамиятда барқарорлик ва бирдамликни таъминлайди; иқтисодий ўсишга ёрдам берган ҳолда ташкилотлар ва корхоналар ўртасидаги ишонч ва ҳамкорлик, инновацияларни ривожлантириш ва ресурсларни самарали тақсимлашга олиб келади; ижтимоий капитал сиёсий барқарорликни таъминлашда муҳим рол ўйнайди негаки, айнан одамлар ўртасидаги ишонч ва ҳамкорлик ижтимоий муаммоларни ҳал қилишда кўмаклашади; соғлиқни сақлаш соҳасида аҳамияти шундаги, жамият ичида қўллаб-қувватлаш тармоқлари мавжуд бўлса, бу одамларнинг руҳий ва жисмоний саломатлигини яхшилади; таълим жараёнида, инновацияларни ривожлантиришда ўрни алоҳида поғонада туради. Ота-оналар ва ўқитувчилар ўртасидаги ишонч ва ҳамкорлик, таълим сифатини оширишга ёрдам беради.

Одамлар ўртасидаги алоқалар янги ғоялар ва ечимларни ишлаб чиқишга ёрдам беради. Натижада ижтимоий капитал бошқарув жараёнларини фаоллаштришда тизимли механизм вазифасини бажаради.

Ижтимоий капиталнинг бошқарув самарадорлигини ошириш учун давлат томонидан амалга оширилиши мумкин бўлган бир қатор чора-тадбирлар мавжуд:

- маҳаллий даражада жамоатчилик кенгашларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлаш;
- давлат сиёсати ва дастурларини муҳокама қилиш учун очиқ форумлар ва учрашувлар ўтказиш;
- ижтимоий капитални ривожлантиришга қаратилган таълим дастурларини жорий этиш;
- ёш авлодни ижтимоий масъулият, ҳамкорлик ва жамоавий ишлашга ўргатиш;
- ижтимоий тадбиркорлик лойиҳаларига грантлар ва имтиёзли кредитлар бериш;
- ижтимоий тадбиркорлар учун тармоқ ва ҳамкорлик имкониятларини яратиш; соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматларни такомиллаштириш, уларни кенгайтириш.

Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда айнан замон талаби сифатида: ижтимоий ҳимоя тизимларини мустаҳкамлаш ва уларни кенгайтириш; давлат идоралари томонидан ахборотнинг очиқлигини таъминлаш; ижтимоий тармоқлар орқали давлат ва жамият ўртасида алоқаларни кучайтириш; ижтимоий муаммоларни ҳал этишга қаратилган инновацион лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш; ижтимоий капитални ўрганиш ва ривожлантириш бўйича илмий тадқиқотларни рағбатлантириш; ижтимоий капитални ривожлантиришга қаратилган янги қонунлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишни тақозо этмоқда.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, бошқарув самарадорлигини таъминлашда ёш раҳбарларнинг ижтимоий капиталга бўлган ҳиссаси муҳимдир. Улар ўзининг ижтимоий тармоқлари, ишонч муҳити ва ҳамкорлик салоҳияти орқали бошқарув жараёнларини такомиллаштиради, давлат идораларининг самарадорлигини оширади.

Ижтимоий капитални ривожлантириш учун ёш раҳбарлардан ташқари, давлат сиёсати, таълим тизими ва жамиятнинг бошқа институтлари ҳам фаол иштирок этиши зарур. Ҳамкорликда амалга оширилган чора-тадбирлар ёш раҳбарларнинг ижтимоий капиталини мустаҳкамлашга ёрдам беради ва бошқарув самарадорлигини янада оширади.

Амалиётда ёш раҳбарларни тайёрлаш жараёнида тренинглар, семинарлар ва бошқарув мактабларининг аҳамияти катта. Шунингдек, ёшларнинг инновацион ғояларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг ижтимоий фаолликка жалб этиш орқали ижтимоий капиталини мустаҳкамлаш мумкин. Давлат дастурлари ёшларнинг раҳбарлик салоҳиятини оширишга хизмат қилиши керак, шу билан бирга, уларнинг маданий ва ахлоқий ривожланишига ҳам эътибор қаратиш лозим.

Таълим муассасаларида ёш раҳбарлар учун махсус курслар ва ўқув дастурлари жорий этилиб, ёшларнинг раҳбарлик қобилиятларини амалиётда қўллаш имкониятлари кенгайтирилиши мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, ёшлар иштирокида жамоатчилик ташаббслари ва лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш орқали ижтимоий капиталнинг ўсишига қўмаклашиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Bourdieu P. (1986). The Forms of Capital. In J. G. Richardson (Ed.), Handbook of Theory and Research for the Sociology of Education, pp. 241-258. Greenwood, New York.
2. Putnam R. D. (1995). "Bowling Alone: America's Declining Social Capital", Journal of Democracy, 6 (1), 65-78.
3. Coleman J. S. (1988). "Social Capital in the Creation of Human Capital", American Journal of Sociology, 94 (Supplement), 595-5120.

4. Алимов Б.Б. Ёшлар социологияси назарий ва амалий жиҳатлар. – Тошкент: “Фан”, 2018. – 220 б.
5. Хусанов О.Т. Ёшлар ва жамият ижтимоий жараёнлар таҳлили. – Тошкент: “Муносиб”, 2019. –180 б.
6. Хақимов Р.Р. Ёшлар ва фуқаролик жамияти: социологик таҳлил. Тошкент: “Фан ва технологиялар”, 2020. – 200 б.
7. Азизхўжаев А.А. Ёшлар психологики ва социологияси. – Тошкент: “Ўқитувчи”, 2017. – Б.240.
8. UNDP Uzbekistan. Youth of Uzbekistan: Problems, Values, Future. Tashkent: UNDP, 2020-56 p. <https://www.uz.undp.org/>
9. UNICEF Uzbekistan. Adolescents and Youth in Uzbekistan: Situation Analysis. – Tashkent: UNICEF, 2021-72 p. <https://www.unicef.org/uzbekistan/>
10. OECD, Youth Well-being Policy Review of Uzbekistan. Paris: OECD Publishing, 2022. <https://www.oecd.org/>
11. Council of Europe. Youth Policy in Uzbekistan: Gaps and Opportunities. - Strasbourg, 2021. <https://www.coe.int/>
12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 18 январдаги “Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини 2025 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ги ЎРВМ 23-сон қарори <http://lex.uz/docs/5234746>
13. Мишенин Е.В., Олейник Н.В. Социальный капитал: теоретические подходы к формированию сущности и содержания. Механизм регулирования экономики”, 2008, №3, Т. 2.
14. Анатолий Гриненко, Владимир Кирилук. “Социальный капитал: сущность, структура и его функциональные особенности”. Problemy Profesjologi jurnal. 2/2017.

ИЖТИМОЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

8 ЖИЛД, 3 СОН

ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ 8, НОМЕР 3

JOURNAL OF SOCIAL STUDIES

VOLUME 8, ISSUE 3

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000